

**МИКРОБИОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ  
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.В.38.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**МИКРОБИОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

**НАСМЕТОВА САОДАТ МАМАЖАНОВНА**

***ASPERGILLUS TERREUS* МАҲАЛЛИЙ ШТАММЛАРИ АСОСИДА  
СТАТИНЛАРНИ ОЛИШ БИОТЕХНОЛОГИЯСИ**

**03.00.12 – Биотехнология**

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2019**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)**

**Contents of dissertation abstract of doctor of science (DSc)**

<b>Насметова Саодат Мамажановна</b> <i>Aspergillus terreus</i> маҳаллий штаммлари асосида статинларни олиш биотехнологияси	3
<b>Насметова Саодат Мамажановна</b> Биотехнология получения статинов на основе местных штаммов <i>Aspergillus terreus</i>	28
<b>Nasmetova Saodat</b> Biotechnology of statins production by domestic strains of <i>Aspergillus terreus</i>	52
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works	56

**МИКРОБИОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ  
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.В.38.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**МИКРОБИОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

**НАСМЕТОВА САОДАТ МАМАЖАНОВНА**

***ASPERGILLUS TERREUS* МАҲАЛЛИЙ ШТАММЛАРИ АСОСИДА  
СТАТИНЛАРНИ ОЛИШ БИОТЕХНОЛОГИЯСИ**

**03.00.12 – Биотехнология**

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2019**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.1.DSc/B25 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертацияси Микробиология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (microbio@academy.uz) ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим портали (www.ziynet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчи:**

**Гулямова Ташхан Гафуровна**  
биология фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Давранов Кахрамон**  
биология фанлари доктори, профессор

**Далимова Сурайё Нугмановна**  
биология фанлари доктори, профессор

**Мухамедов Рустам Султанович**  
биология фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Ботаника институти**

Диссертация ҳимояси Микробиология институти ва Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.B.38.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «\_\_\_» апрел соат 10:00 даги мажлисида бўлади (Манзил: 100128, Тошкент ш., Шайхонтоҳур тумани, А Қодирий кўчаси 7 б-уй, Микробиология институти мажлислар зали. Тел.: (+99871) 241-92-28, (+99871) 241-71-98, факс: (+99871) 241-92-71.e-mail: microbio@academy.uz.

Диссертация билан Микробиология институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин («\_\_» рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100128, Тошкент ш., Шайхонтоҳур тумани, А Қодирий кўчаси 7 б-уй, Микробиология институти маъмурий биноси, 3-қават, Тел.: (+99871) 241-92-28, (+99871) 241-71-98).

Диссертация автореферати 2019 йил «\_\_\_\_\_» мартда тарқатилди.  
(2019 йил «\_\_\_\_\_» март № \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси)

**Арипов Тахир Фатихович**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,  
б.ф.д., профессор, академик

**Жураева Роҳила Назаровна**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
илмий котиби, б.ф.н., катта илмий ходим

**Ахмедова Захро Раҳматовна**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги  
илмий семинар раиси, ўринбосари б.ф.д., профессор

## КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунёда гиперхолестеринемия ва атеросклероз ижтимоий аҳамиятга эга юрак томир касалликларининг асосий хавф солувчи омилларидан бўлиб ҳисобланади. Бугунги кунда мавжуд бўлган липид пасайтирувчи препаратлардан энг юқори самарадолик хусусиятларига эга статинлардир. Статинларнинг гипохолестеринемик таъсири биринчи ферменти ГМГ-КоА-редуктаза холестерининг биосинтезини ингибирланиши билан боғлиқ бўлиб, қондаги умумий холестериннинг пасайишига олиб келади. Табiiй статинлар ипсимон замбуруғларнинг турларидан олинади, лекин саноат миқёсида ловастатиннинг продуценти базаси *Aspergillus terreus* штаммлари ҳисобланади. Шу сабабли, аспергилларни маҳаллий штаммлар потенциалини аниқлашга йуналтирилган ва улар асосида янги препаратлар ишлаб чиқариш технологиясини яратиш муҳим аҳамиятга эга.

Жаҳонда статинларнинг клиник самарадорлиги исботланган. Жумладан, уларнинг асосий таъсир этиш механизмга боғлиқ бўлмаган, ўлим ва кардиоваскуляр касалликлар хавф-хатарини пасайтиришдан ташқари, статинлар плейотропик, тромбозга ва яллиғланишга қарши, антиоксидант ва антимикроб хусусиятларига эга. Ҳозирги вақтда замбуруғлар асосида олинган табiiй статинлар (ловастатин и турдош бирикмалари); симвастатин, ловастатиннинг полусинтетик ҳосилалари; синтетик статинлар (аторвастатин, флувастатин, розувастатин ва бошқ.) фойдаланилмоқда ва озик-овқат ва дори воситалари бўйича Администрация (FDA) томонидан мувофиқ деб топилган. Шунга кўра, маҳаллий *A. terreus* нинг истиқболли штаммларини танлашга йуналтирилган тадқиқотлар ва уларни юқори терапевтик фаоликка эга ва салбий таъсирга эга бўлмаган янги статинлар асосида гиполипидемик препаратларни яратиш муҳим илмий ва амалий аҳамиятга эга.

Республикамиз аҳолисини сифатли ва юқори самарадор бўлган дори воситалари билан таъминлаш мақсадида, саноат учун муҳим бўлган маҳаллий штаммлардан биологик фаол қўшимчаларни ажратиб олиш ва амалиётга жорий қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шунингдек, статинларни ҳосил қилувчи микроорганизмлар штаммларини аниқлашга йуналтирилган тадқиқотларга етарлича эътибор қаратилмаган. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «..дори воситаларни ишлаб чиқариш жараёнига инновацион технологияларни жорий этиш ва ички бозорни бойитишга қаратилган таклифлар ҳамда ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни амалга оширишни ташкиллаштириш»<sup>1</sup> вазифалари белгилаб берилган. Мазкур вазифаларни амалга оширишда, жумладан *Aspergillus terreus* замбуруғининг истиқболли маҳаллий штаммларини танлаб олиш, статин ҳосил қилиш хусусиятларини ўрганиш ва

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

улар асосида гипохолестеринимик препаратларни ишлаб чиқариш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 январдаги ПҚ-3489-сон «Дори воситалари ва тиббиёт буюмлари ишлаб чиқариш ҳамда олиб киришни янада тартибга солиш чора тадбирлари тўғрисида»ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 февралдаги ПҚ-3532-сон «Ўзбекистон Фармацевтика соҳасини жадал ривожлантириш тўғрисида қўшимча чоратадбирларда»ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармацевтика» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича халқаро илмий тадқиқотлар шарҳи<sup>2</sup>.**

Статинлар хусусиятларни турли хил штамм-продуцентларда ўрганиш, ферментация шароитларини оптималлаштириш, ловастатин ҳосил бўлиш биокимёвий механизмларни, статинлар генларини молекуляр-генетик тахлинини идентификациялаш бўйича изланишлар дунёнинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, Department of Chemical and Biomolecular Engineering, University of California (АҚШ); Department of Agricultural and Biological Chemistry, Tokyo Noko University (Япония), Institute of Chemical Technology, Food Engineering and Technology Department (Ҳиндистон); Department of Applied Biotechnology and Food Sciences, Department of Chemical Engineering, University (Испания), Budapest University of Technology and Economics (Венгрия); Бутун Россия фитопатология илмий-тадқиқотлар институтида олиб борилмоқда.

Статин ҳосил қилувчи микроорганизмлар штаммларини ўрганиш соҳасида олиб борилган тадқиқотлар асосида бир қатор муҳим илмий натижалар олинган, жумладан: *A. terreus* АТСС20542 штаммининг статинлар ишлаб чиқариш усуллари асосланган ҳамда ферментация шароитларини оптималлаштириш, ловастатин ҳосил бўлиши биокимёвий механизмлари аниқланган (Department of Chemical Engineering, University, Испания), *A. terreus* рекомбинант штаммларининг статинлар синтези генлари молекуляр-генетик идентификацияланган (Institute for Systems Biology, Вашингтон, АҚШ), *A. terreus* статинларининг биосинтези ген экспрессияси ва регуляцияси орқали ферментатив кинетикаси ўрганилган ва генларнинг кўп қисми ловастатин ферментлари биосинтези идентификацияланган (University of

---

<sup>2</sup>Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи <https://www.sciencedirect.com>; <https://www.researchgate.net>; <https://www.unboundmedicine.com>; <https://www.ajol.info>, index; <https://www.ncbi.nlm.nih.gov/pubmed>.

Alberta, Канада), актиномицетлар ва замбуруғларнинг табиий бирикмалар комплексида синтез қилувчи турли хил статинларда гиполипидемик, антимиқроб, вирусларга қарши ва антифунгал фаоллиги аниқланган (Бутун Россия фитопатология илмий-тадқиқотлар институти, Россия).

Дунёда замбуруғлар асосида олинган статинларнинг холестерин синтезини сусайтириш ва метаболизмини бошқариш хусусиятига эга бўлган табиий препаратларини олиш бўйича қатор, жумладан қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: статин маҳсулотларини кодловчи генларни трансформация қилиш йўли орқали микроорганизмларнинг рекомбинант штамmlарини яратиш; гиполипидемик бирикмаларнинг принципиал янги синфларини аниқлаш; уларнинг липид алмашинувига жавоб берувчи генларидан маҳрум бўлган трансген ҳайвонларнинг липидлар метаболизмига таъсирини аниқлаш; плеотроп, яъни статинларнинг асосий таъсир механизмига боғлиқ бўлмаган кўшимча эффектларини асослаш.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Мазкур йўналиш амалий ва саноат ишланмаларида муваффақият қозонган бўлиб, кўпроқ ривожланган фундаментал тадқиқотларда кенг ёритилган. Таъкидлаш жоизки, бир қатор статинларни микроорганизмларнинг сўнги иккиламчи метаболизм маҳсулотлари сифатида олиш имкониятини, шу билан бирга биотрансформация жараёни маҳсулотлари ловастатин ва унинг оралик фаол метаболитлари биосинтези механизмларини аниқлаш, жумладан, правастатин ва мевастатин турли аспектларини чуқурроқ тушинишга олиб келди, ҳамда турли штамм-продуцентлар ферментацияси, ловастатинни ажратиб олиш ва тозалаш усуллари бўйича тадқиқотлар олиб борилган, ловастатиннинг симвастатинга трансформацияси усуллари, ловастатинни ажратиб олиш ва тозалаш усуллари таклиф қилинган (Manzoni et al., 2002; Xie et al., 2009; Shaligram et al., 2009; Savitha et al., 2016., Lee et al., 2017).

Бундан ташқари, ловастатинини кенг кўламда синтез бўлишини таъминлашда, асосан, *A. terreus* нинг фаол штамmlари қўлланилади ва аксарият адабиётлар айнан шу тур билан боғлиқдир. Жумладан, ловастатинни ишлаб чиқариш саноат штамmlари *A. terreus* ATCC20542, *A. terreus* ATCC74135, *A. terreus* NRRL 265 ферментацияси асосида амалга оширилади (Bizukoje et al., 2009; Mohammad et al., 2012; Mukhtar et al., 2014). Лекин шунга қарамаздан ловастатинга бўлган қизиқиш пасаймасдан келмоқда, яъни илмий адабиётлардаги маълумотларга кўра, ёввойи штамmlар дастлабки маҳсулдорлигининг турли-туманлигига сабабли табиий статинларнинг манбаи ҳисобланган ловастатиннинг янги продуцентларини излаб топишни тақозо этмоқда.

Шуни таъкидлаш лозимки, ҳозирги вақтда МДХ мамлакатлари, жумладан, Ўзбекистонда статинлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилмаган фақат хориждан келтирилади (тижорат номлари «Мевакор», «Зокор», «Липостат» ва бошқалар). Шу сабабли, Ўзбекистонда статинларни ишлаб чиқариш технологияси мавжуд эмаслиги ва антиатеросклеротик препаратларга бўлган эҳтиёжнинг тобора ортиб бораётганлиги сабабли фаол штамм-

продуцентларидан статинларни ажратиб олиш ва амалиётга жорий этиш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган институтнинг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Микробиология институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг ФА-А11-Т129 «Маҳаллий мицелиал замбуруғларда статинлар маҳсулотини» (2009 – 2011йй.), ФА-А6-Т210 «*Aspergillus terreus* маҳаллий штаммларида ловастатин ишлаб чиқариш шароитларини оптималлаштириш» (2012-2014 йй.) мавзуларидаги фундаментал лойиҳалар доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** янги гипохолестеринемик препаратларни ишлаб чиқариш учун истиқболли продуцент сифатида *A. terreus* маҳаллий штаммларининг потенциалини аниқлашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

статин синтез қилиш фаоллигига кўра *A. terreus* маҳаллий штаммларининг скрининги ва энг самарадор штаммларни танлаб олиш;

танлаб олинган штаммларда статинларнинг таркиби ва миқдорини аниқлаш;

скринингланган штаммларда статинлар маҳсулотини ошишига олиб келувчи ферментация ва ўстириш шароитларини оптималлаштириш усулларини танлаш;

фаол штамм-продуцентлар экстрактдан статинларни ажратиб олиш ва тозалаш усулларини танлаб олиш;

статинларнинг фаол штамм-продуцентлари асосида янги гипохолестеринемик препарат тайёрлаш регламентини ишлаб чиқиш;

янги препаратнинг антимикроб ва гипохолестеринемик хусусиятларини ўрганиш;

гипохолестеринемик кўрсатмага эга янги препаратни серияли ишлаб чиқариш бўйича норматив-техник ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.

**Тадқиқотнинг объекти** микробиология институти саноат учун муҳим микроорганизмлар коллекциясида сақланиб келаётган *A. terreus* маҳаллий штаммлари ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг предмети** аспергиллар статинлари, улар асосида гипохолестеринемик препаратни яратиш ҳамда унинг антимикроб ва терапевтик хусусиятларини аниқлаш ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Микробиологик, биокимёвий, спектрофотометрик, молекуляр биологик, доривор препаратларнинг клиник давригача бўлган усуллари ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк бор *A. terreus* маҳаллий штаммларининг статин ҳосил қилиш хусусиятлари исботланган;

маҳаллий штаммлар синтез қилувчи бир неча биофаол поликетидларни: правастатин, симвастатин, монаколин L ва уч хил



ловастатинни (лактон, гидроксикислота, метил эфири) ўз ичига олган статин табиатга эга метаболитлар таркиби аниқланган;

илк бор *A. terreus* маҳаллий штаммларининг ярим синтетик синтезга муқобил экзоген ловастатиндан ферментация жараёнининг охириги маҳсулоти бўлган симвастатин синтезлаш қобилияти исботланган;

озуқа муҳити асосий компонентларининг оптимал нисбатлари (озуқанинг углерод ва азот манбалари), *A. terreus* 20 културасини чуқур ўстириш параметрлари (фойдаланилган инокулюмнинг миқдори, типи ва ёши, ўстириш даври, озуқанинг рН кўрсаткичи) танлаб олинган, натижада дастлабки кўрсаткичларга нисбатан ловастатиннинг даражаси 2-3 марта ва симвастатиннинг даражаси 12 марта ошиши аниқланган;

ғалла-дон субстратларда қаттиқ фазали ферментациянинг чуқур ўстиришга нисбатан афзаллиги кўрсатилган ва ўстиришнинг оптимал параметрлари (инокуляция усули, ҳарорат, озуқа муҳитининг рН кўрсаткичи, субстратни намлантирилиши ва субстрат миқдори) аниқланган бўлиб, бу эса маҳсулотнинг максимал тўпланиш вақтини 11 сутка қисқартирилишига ва маҳсулдорлик специфик кўпайишини 10-15 марта ошишига олиб келиши асосланган;

тозаланган ловастатин препаратининг референтли ловастатинга тенг бўлган *B. subtilis* бактериялари ва *C. albicans*, *V. dahliae* ҳамда *A. alternata* замбуруғларига нисбатан антибактериал ва антифунгал фаоллиги аниқланган;

биологик фаол қушимча «Атерис» гипохолестеринемик таъсири *in vivo* ҳайвонлар модели экспериментал дислиппротеинемияда исботланган, қуйи зичликдаги липопротеинларнинг самарали камайиш ва захарли таъсирининг йўқолиш даражаси баҳоланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

янги, импорт ўрнини боса олувчи гипохолестеринемик таъсирга эга бўлган препаратларни яратиш учун турли статинлар ишлаб чиқарувчи *A. terreus-4* ва *A. terreus-20* маҳаллий штаммларидан фойдаланиш имконияти изоҳланган;

*A. terreus-20* штаммидан қаттиқ фазали ферментация усули ёрдамида тозаланган статинларни - ловастатин ва симвастатинларни олиш лаборатория – технологик регламенти ишлаб чиқилган;

*V. dahliae* РКМУз-224 коллекция штамми ловастатин-ишлаб чиқарувчи култураларнинг бирламчи микробиологик скринингини ўтказиш учун янги тест-култура сифатида қўллаш мумкинлиги асосланган;

*A. terreus-20* штаммининг тозаланган ловастатини асосида зайтун мойи кўшилган холда «Атерис» биологик фаол қўшимча таркиби ишлаб чиқилган ва унинг антимикроб хусусияти ва ҳайвонлар моделида клиник самарадорлиги исботланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончилиги экспериментал маълумотларни замонавий микробиологик, биокимёвий ва физикавий усуллари орқали олинганлиги ва уларни назарий

маълумотларга мос келиши, натижаларга Стюдент мезонлари ва Фишер дисперсион таҳлили (ANOVA) ёрдамида статистик ишлов берилганлиги, диссертация натижаларини етакчи хорижий журналларда chop этилганлиги ҳамда амалиётга жорий этилганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти илк бор юқори даражада статин синтез қилиш фаоллигига кўра, бир вақтнинг ўзида статин табиатига ҳамда тижорат аҳамиятига эга учта биофаол поликетидлар - ловастатин, правастатин ва симвастатин синтезловчи *A. terreus* табиий штаммлари аниқланган. Илк бор *A. terreus* маҳаллий штаммлари мисолида кўрсатилган *A. terreus* замбуруғларининг симавастатин синтезлаш қобилияти, статинларнинг ярим синтетик синтезига муқобил асос бўлган юқори фаол продуцентлар сифатида аспергилларда симвастатинлар синтезининг регуляциясини ўрганиш фундаментал масаласи билан изоҳланган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти танлаб олинган ҳар бир штаммнинг статин табиатига эга турли хил мақсадли маҳсулотлар ишлаб чиқаришда объект сифатида хизмат қилиши, натижада истиқболда гипохолестеринемик препаратлар рўйхатини кенгайтириш бўйича маҳаллий фармацевтик ишлаб чиқариш имкониятларини сезиларли даражада ошишига хизмат қилиши билан изоҳланади. *A. terreus-20* маҳаллий штамми асосида липид алмашинувини мўътадиллаштирувчи ва атероген липопротеинларнинг (“ёмон” холестерин) ортиқча ҳосил бўлиш хавфини пасайтирувчи «Атерис» биологик фаол кўшимчасини олиш технологияси ишлаб чиқилганлиги ва илмий асосланган таркиби танлаб олинганлиги билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** *A. terreus* маҳаллий штаммлари асосида статинлар олиш биотехнологиясига оид илмий тадқиқотлар натижалар асосида:

ловастатин ҳосил қилувчи *Aspergillus terreus-20* замбуруғи штамми учун Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги томонидан ихтиро патенти (№ IAP 05086, 2013) олинган. Натижада ловастатиннинг ингибитори 3-гидрокси 3-метилглутарил-кофермент А (HMG-CoA) редуктазининг микробиологик синтезига боғлиқлигини ва ловастатиннинг продуцент штаммини намоён этиш имконни берган;

озуқага биологик фаол кўшимча «Атерис» препарати учун ташкилот стандарти «Ўзстандарт» агентлигида рўйхатдан ўтказилган (Ts15011021-011:2018). Натижада табиий зайтун мойи ва *A. terreus-20* замбуруғини экстрактидан тозаланган ловастатин комплексини ўзида ифодаладиган «Атерис» препарати озуқага биологик фаол моддалар кўшимчасини ишлаб чиқариш имконини берган;

*A. terreus* маҳаллий штаммларида статинларни идентификация қилиш ва энг фаол штаммларнинг статин синтезлаш бўйича олинган маълумотлардан юқори импакт факторли (IF) 4 та хорижий журналларда қаттиқ фазали ферментация усули ёрдамида тозаланган статинларни-ловастатин ва симвастатинларни олиш учун фойдаланилган (Journal of

Microbial and Biochemical Technology Vol 7(6), (2016); 334-337, IF-4.09, ResearchGate; Asian Pacific journal of cancer prevention Vol 17., 2016, 3797-3803, IF 2.39, Research Gate; Current Microbiology 75(1), 2017, 84-91, IF-1.92, Research Gate; American Journal of Pharmacy and Health Research 3(7), 2015, 116-126, IF 0.865, Global. Натижада *A.terreus* маҳаллий штаммларининг статин ишлаб чиқариш хусусиятларини аниқлаш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 7 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича 26 та илмий иш чоп этилган, шулардан 13 та илмий мақола бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда, жумладан, 9 таси республика нашрларида, 4 таси хорижий журналларда нашр этилган, 1 та ихтиро патенти олинган.

**Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши.** Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 165 бетни ташкил этган.



## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ишнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва асосий вазифалари тавсифланган, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияси тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, чоп этилган илмий ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Статинлар: хусусияти ва ажратиб олиш усуллари**» деб номланган биринчи бобида статинларнинг организмга биологик таъсири, ловастатин биосинтезининг биокимёвий йўллари, ловастатин ва симвастатинни ферментацияси ҳамда ишлаб чиқариш усуллари, статинларни ажратиб олиш ва тозалаш йўллари масалалари бўйича замонавий изланишларнинг шарҳи келтирилган. Чоп этилган кўплаб мақолалардаги натижаларнинг критик таҳлили мазкур ишнинг асосий мақсади ва вазифаларини шаклланишига имкон берди.


Диссертациянинг «**Ловастатин-продуцентини ҳосил қилувчи фаол *A. terreus* штаммларининг скрининги**» деб номланган иккинчи бобида объект, шунингдек материал ва тадқиқот услублари кенг тавсифланган. Тадқиқот услублари. *A.terreus* маҳаллий штаммларининг статин синтезлаш фаоллигига кўра скрининг усуллари, статинларни экстракция усуллари, экстрактлардаги статинлар таркибининг сифати ва миқдорини ЮҚХ, СЭСХ, ТПС-хроматография, масс-спектрал таҳлил усуллари, истиқболли штаммларни чуқур ва каттик фазали ўстириш усулларида фойдаланилган.

Диссертациянинг «*A. terreus* штаммларининг скрининги ва чуқур ўстириш шароитида статин ҳосил қилиш фаоллиги ўрганиш» деб номланган учинчи бобида маҳаллий штаммларнинг статин ҳосил қилиш хусусияти бўйича танлаб олиш натижалари ва истиқболли штаммлар томонидан статинлар ишлаб чиқарилишини ошириш учун оптимал шароитларни танлаб олиш бўйича тадқиқот натижалари келтирилган. Статин ҳосил қилиш хусусиятига кўра, бирламчи скринингда агарга диффузияланиш микробиологик усулидан фойдаланилган бўлиб, 30 та ўрганилган штаммлар экстрактларида учрайдиган статинларнинг *Neurospora crassa* тест-культураси фунгицид фаоллигига асосланиб олиб борилган. Скрининг натижасида 10 та изолят тест-културани 5 дан 19 мм гача ўсиш зонасини тўхтатиб қўйишига кўра танлаб олинган бўлиб, у қолиблараш эгри чизиғида ловастатиннинг 1,0 мкг/мл дан 2,8 мкг/мл экстракт концентрациясига мос келган. Лизис зонасининг максимал кўрсаткичи 12, 13, 17 и 19 мм бўлиб, *A. terreus* 6, *A. terreus* 2, *A. terreus* 4 и *A. terreus* 20 4 та штаммида ловастатиннинг мос равишда 3 мкг/мл, 1,5 мкг/мл, 2,4 мкг/мл и 2,8 мкг/мл экстракти миқдорига тўғри келиши кузатилган (1-расм).




1-расм. а) *A. terreus* изолятлари томонидан *Neurospora crassa*нинг ўсиш зоналарини ингибирланиши; б) референтли ловастатинларнинг *Neurospora crassa*ни тўхтатиш эгри чизиғи.

4 та энг фаол штамми глюкозасакловчи озуқа муҳитида дастлабки ўстиришнинг 12- ва 18- суткаларида *A. terreus*-4 ва *A. terreus*-20 штаммларида ловастатин энг юқори миқдори мос равишда 80 мг/л и 121 мг/л муҳит бўлганлиги кўрсатилган (2-расм).




2-расм. Танлаб олинган штаммларда картошка-глюкозали озуқа муҳитида ловастатин тўпланиши динамикаси

*A.terreus 20* бирмунча фаол штамми културал суюқлиги ва биомассаси метаболитлари экстракти сифат таркибини ЮҚХ усулида ўрганиш натижалари Rf ва монаколинL, кислотали ва лактон шаклдаги ловастатин, ловастатиннинг метил эфири ва симвастатинга мос келадиган моддалар борлигини кўрсатди. Културал суюқликда асосан, ловастатин кислотали шаклда секреция қилиниши, лекин унинг миқдори яхлит културал суюқликдаги статинларнинг умумий миқдорига нисбатан 17% дан ошмаслиги қайд этилди (3-расм).



**3-расм. ЮҚХ да *A.terreus-20* штаммининг биомассаси ва културал суюқлиги экстрактининг ажралиш профили**

Статинларнинг ЮҚХ ва масс-спектрал таҳлиллар асосидаги идентификацияси ЎЗРФА БОКИ ходимлари билан ҳамкорликда амалга оширилди. *A.terreus 20* мицелийси биомассаси экстрактида молекуляр массалари бўйича правастатин (425,1159 m/z), ловастатин (405,2208 m/z), ловастатин гидроксикислотаси (422,2468 m/z), симвастатин (419,2362 m/z), монаколин L (305,1173 m/z) ва ловастатиннинг метил эфири (436.3890 m/z) бирикмалари аниқланди ( 4-расм, 1-жадвал).




**4-расм. *A.terreus-20* штамми биомасса экстракти TIC- (Total Ion Chromatogram) маълумоти.**

*A.terreus-20* экстракти масс-спектрал таҳлили

Модданинг номи	Молекуляр иони (M <sup>+</sup> )	Чиқиш вақти (мин)
Pravastatin	425,1159 m/z	2,25
Lovastatin	405,2208 m/z	6,4
Lovastatin acid (LA)	422,2469 m/z	3,8
Simvastatin	419,2362 m/z	8,7
Monacolin L	305,1173 m/z	9,8
Methyl ester (LM)	436,3890 m/z	14,0

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, биз томонимиздан илк бор *A.terreus-20* маҳаллий штаммида ферментациянинг охирги маҳсулоти сифатида симвастатинни аккумуляциялаши аниқланди. Ҳозирги вақтда симвастатин синтез қилиши хусусиятига эга рекомбинант штаммлар олиш бўйича бир қатор тадқиқотлар олиб борилмоқда. Илмий адабиётлардаги маълумотлардан маълумки, симвастатин экзоген ловастатиндан тегишли трансформация фаоллигига эга культуралар ёрдамида қиммат турадиган полисинтетик йўл билан ишлаб чиқарилади, чунки *Aspergillus* туркумига мансуб замбуруғларда симвастатиннинг ён занжиридаги иккинчи метил радикали донори метилмалонил-СоА ҳосил бўлмайди. Масс-спектрал таҳлил натижасида исботланган ферментацияда симвастатиннинг тўғридан-тўғри синтезига оид далил *A.terreus* маҳаллий штаммларида симвастатин ҳосил бўлиш занжиридаги етишмайдиган босқичнинг мавжудлигини мутлақо тасдиқлайди (5-расм).




5-расм. *A.terreus-20* экстрактидаги ловастатин ва симвастатиннинг масс-спектрал таҳлили

Танлаб олинган *A. terreus - 4* ва *A. terreus - 20* штаммларида статинлар ишлаб чиқарилиши маҳсулдорлигининг ортишида ловастатин ишлаб чиқарилиши морфологик-културал хусусиятларга боғлиқлиги, ловастатин ва симвастатин маҳсулоти ажралиб чиқиши динамикаси озуқа муҳитларининг углерод ва азот манбаларига боғлиқлигига чуқур ферментация асосий омилларининг таъсири ўрганилган.

Озуқа муҳитини инокуляция қилиш усуллари маҳсулотнинг чиқарилишига сезиларли таъсир кўрсатади. *A.terreus-4* и *A.terreus-20* штаммларида ловастатин ишлаб чиқарилишини қиёсий ўрганиш натижасида

озуқа муҳитига споралар ва мицелий билан инокуляция қилиш натижасида дисперс мицелийси қўлланилганда културада диаметри бирмунча 8 мм қадар катта бўлган макроколонияларнинг шаклланганлиги қайд этилди. Бу ҳолда, ловастатин ҳосил бўлиши *A.terreus-4* да 240,2 мг/л, ва *A.terreus-20* да мос равишда 118,4 мг / л ни ташкил этади. Споралар билан инокуляция қилишда ловастатиннинг даражаси анча паст бўлиб, 60 мг/л, културалар морфологияси дисперслиги, пигментацияси анча ёрқинлиги кузатилган (6-расм). Шу асосда кейинги тадқиқотларда мицелий инокуляцидан фойдаланилди.



**6-расм.** Спора ва мицелий билан инокуляция қилинган *A.terreus-4* ва *A. terreus-20* културасида да ловастатин тўпланиши динамикаси (Casas Lopez ва ҳаммуаллиф. бўйича №6 озуқа муҳити).

Штаммаларнинг маҳсулдорлигига озуқа муҳитлари таркибининг таъсирини ўрганиш учун экспериментал тадқиқотларда аксарият қўлланиладиган ва саноат миқёсида статинларни ишлаб чиқарилишида кўпинча қўлланиладиган чуқур ферментация шароити апробация қилинди.

Маҳаллий штаммларнинг глюкоза ва лактоза сақловчи озуқа муҳитларида ловастатини ҳосил қилиши таққосланадиган даражада фарқли ёки ловастатинни саноат миқёсида ишлаб чиқаришда кенг қўлланилиб келинаётган маълум бўлган *A.terreus* ATCC20542 ва *A.terreus* ATCC74135 экспериментал штаммларидан ҳам юқори бўлганлиги қайд этилган.

Лактоза, соя уни ва ачитки экстракти сақловчи №6, №7 ва №9 озуқа муҳитларида ўстиришнинг 14-, 22- ва 12-суткаларида *A.terreus-4* ва *A.terreus-20* штаммларида ловастатиннинг юқори кўрсаткичи мос равишда 240,2 мг/л, 276,7 мг/л ва 325,3 мг/л қайд этилган №9 озуқа муҳитида *A. terreus - 20* штамми ўстиришнинг 10 суткасида симвастатиннинг маҳсулдорлиги нисбатан юқори бўлиши, яъни 9,45 мг/л қайд этилган (2-жадвал).

Шундай қилиб, озуқа муҳитлари скрининги натижасида статинлар ҳосил бўлишининг юқори миқдорини таъминлайдиган лактоза сақловчи озуқа муҳитлари асос сифатида танлаб олинган. Бунда, *A.terreus-20* ловастатин ва симвастатинларининг максимал маҳсулдорлиги №9 муҳитда содир бўлади.

**Турли хил озуқа муҳитларида маҳаллий ва маълум штаммларнинг ловастатин бўйича  
нисбий маҳсулдорлиги**

Озуқа муҳитлари №	Углерод манбаи	Азот манбаи	Штаммлар	Ловаста-тин мг/л	Вақт (суткалар)	Симва-статин	Вақт (суткалар)	Илмий манбалар
1.	глюкоза (10 г/л)	МШ (5г/л) ТП – 40 Сули – (10г/л)	<i>A.terreus-4</i> <i>A.terreus-20</i> <i>A.terreus</i> <i>ATCC20542</i>	66 17 120	16 10 12	- - -	- - -	Monaghan et al.,1980
2.	глюкоза (20 г/л), карто-фель 300 г/л	АЭ (2г/л) СЭ (5 г/л)	<i>A.terreus-4</i> <i>A.terreus-20</i> <i>A.terreus</i> <i>ATCC20542</i>	80 121 140	24 16 8	0,002 0,001	20 22	Bizukojs M. et al. 2009.
3.	глюкоза (30 г/л) глицерин (70 г/л)	РЕ (8г/л) ЁСУ (30г/л)	<i>A.terreus-4</i> <i>A.terreus-20</i> <i>A.terreusA1</i>	61 51 244	8 12 14	0,005 0,002 -	14 - -	Manzoni M et al. 1998
4.	глюкоза (45 г/л) глицерин (2,5г/л)	АЭ (2,5г/л) ПС (24 г/л)	<i>A.terreus-4</i> <i>A.terreus-20</i> <i>A.terreus</i> <i>ATCC74135</i>	72 30 240	12 14 12	- 0,001 -	- 20 -	Hajjaj H. et al, 2001.
5.	глюкоза (45 г/л)	На-глутамат (12,5г/л)	<i>A.terreus-4</i> <i>A.terreus-20</i> <i>A.terreus</i> <i>ATCC74135</i>	137,6 72,3 120	14 14 20	0,003 - -	20 - -	Hajjaj H. et al, 2001.
6.	лактоза (20 г/л)	АЭ (8г/л) Биотин (0,04г/л)	<i>A.terreus-4</i> <i>A.terreus-20</i> <i>A.terreus</i> <i>ATCC20542</i>	118,4 240,2 230	8 14 12	0,015 0,030 -	4 4 -	Casas Lopez JI et al, 2004.
7.	лактоза (70г/л)	ЁСУ (0,5 г/л) ДЭ(8 г/л) ПЭГ(0,5 г/л)	<i>A.terreus-4</i> <i>A.terreus-20</i> <i>A.terreus</i> <i>ATCC20542</i>	214 276,7 873	20 22 10	0,110 0,092 -	4 22 -	Lai, L.S. T., et al, 2007.
8.	лактоза (114 г/л)	СУ (1г/л) биотин (0,04г/л)	<i>A.terreus-4</i> <i>A.terreus-20</i> <i>A.terreus</i> <i>ATCC20542</i>	64 40 120	10 12 14	0,490 1,3 -	10 22 -	Casas Lopez JI et al, 2005.
9.	лактоза (30 г/л)	ДЭ (6г/л) NaNO3- (1г/л)	<i>A.terreus-20</i> <i>A.terreus</i> TUB F-514	325,3 256	12 7	9,45 -	10 -	Szakacs G. et al. (1998)
10.	лактоза (20 г/л)	ДЭ (4г/л)	<i>A.terreus-4</i> <i>A.terreus-20</i> <i>A.terreus</i> <i>ATCC20542</i>	27,5 40 60	22 24 7,2	0,23 0,09 -	24 22 -	Bizukojs M. et al., 2007.


Қисқартмалар: МШ-маккажўхори шарбати, ТП-томат пастаси, СУ-сули уни, ЁСУ- ёғсизлантирилган соя уни, КУ- картошка уни, ПС-петонизирланган сут, На-Глу – На-глутамат, АЭ- ачитки экстракти, СЭ-солод экстракти, СУ- соя уни, ПЭГ- полиэтиленгликоль.

Статинлар ҳосил бўлишига таъсир этадиган асосий омиллардан бири озуқа муҳитлари таркибидаги углероднинг азотга нисбати (C/N)




ҳисобланади. Мазкур субстратларнинг ловастатин ҳосил бўлишига таъсирини ўрганиш учун, хусусан, фаол бўлган *A.terreus-20* штаммида углероднинг ягона манбаи сифатида лактоза ва ачитқи экстракти ҳамда органик ва ноорганик азот манбаи бўлган минерал азот сақлайдиган №9 озуқа муҳитидан фойдаланилган. Озуқа муҳитидаги лактозанинг турли-концентрациялари- 30 г/л, 50 г/л, 70 г/л ва ачитқи экстрактининг дастлабки концентрацияси - 6 г/л бўлганда, лактоза концентрациясининг ошиб бориши ловастатин синтезининг ортишига олиб келмаслиги қайд этилган. Шундай қилиб, лактозанинг 50 г/л концентрациясида ўстиришнинг 20-суткасида маҳсулот ажралиб чиқишининг максимал миқдори 470,3 мг/л ни ташкил этган. Келтирилган маълумотларга кўра, ловастатиннинг синтези озуқа муҳитида углерод манбаининг деярли тўлиқ тугашидан кейин бошланиши бошланади (7а-расм).


Ловастатин синтезининг азот манбалари концентрациясига (3,0г/л, 4,0г/л ва 6,0 г/л) боғлиқ равишда синтезланишини ўрганиш натижасида озуқа муҳитида органик азотнинг бирмунча қуйи концентрацияларида ловастатин даражасининг ортиши кўрсатилган. Ловастатиннинг кўтарилиб ортиб чиқиши озуқа муҳити таркибида 3г/л ачитқи экстракти (0,3 г/л азот) ва 50 г/л лактоза бўлганда кузатилган. Бунда штаммининг ловастатин бўйича маҳсулдорлиги 20-суткада деярли 2 марта ошиб, 640,3 мг/л ни ташкил этган (7б - расм). Ловастатин синтезининг озуқа муҳити рН кўрсаткичига ва биомасса тўпланишига боғлиқ бўлишида ловастатин даражаси кучайиши озуқа муҳити рН нинг дастлабки кўрсаткичларини 6,5 дан 5,7 гача камайишида ва културанинг стационар ўсиш фазасига ўтиш даврида қайд этилган (7в -расм).



**а**



**б**



**в**

Озуқа муҳитлари таркиби: (г/л): лактоза –(30,50,70); ачитқи экстракти –(3,0;4,0;6,0);  $\text{NaNO}_3$ -1,0;  $\text{KNO}_3$ -1,0;  $\text{KH}_2\text{PO}_4$ - 2,0;  $\text{MgSO}_4 \cdot 7\text{H}_2\text{O}$  – 0,5;  $\text{NaCl}$  – 0,5;  $\text{MnSO}_4$ –1,6  $\text{ZnSO}_4 \cdot 7\text{H}_2\text{O}$  –3,4;  $\text{CoCl}_2 \cdot 6\text{H}_2\text{O}$  –2,0;  $\text{FeSO}_4 \cdot 7\text{H}_2\text{O}$ -излар; рН 6.5

**7-расм.** Озуқа муҳитидаги углерод ва азот манбаларининг турли хил бошланғич концентрацияларида *A.terreus 20* штамми томонидан ловастатин синтези динамикаси; а) лактоза; б) ачитқи экстракти; в) муҳит рН нинг ўзгариши ва биомассанинг ўсиш динамикаси

Айнан ушбу озуқа муҳитида *A.terreus-20* штамми томонидан симвастатин ҳосил бўлишига оид тадқиқотларда олиб борилган барча тажрибалар давомида углероднинг азотга нисбати ифодаланганда симвастатин тўпланишининг сезиларли даражада, яъни 9,6 мг/л дан 120 мг/л


мухитгача ортиши қайд этилган. Бунда симвастатиннинг энг юқори миқдори 70 г/л лактоза ва 3,0 г/л ачитқи экстракти сақловчи озуқа муҳитида намоён бўлган (3-жадвал).

3 -жадвал

Углерод ва азот манбаи бўйича оптималлаштирилган ўстириш шароитларида *A.terreus 20* да симвастатин ҳосил бўлиши

Озуқа муҳити таркиби г/л	Озуқа муҳитида C/N турли хил нисбати			
	№1	№2	№3	№4
Лактоза	3,0%	5,0%	7,0%	7,0%
Ачитқи экстракти	0,6%	0,6%	0,6%	0,3%
NaNO <sub>3</sub>	0,1%	0,1%	0,1%	0,2%
Симвастатиннинг титри, мг/л	9,45±0,35	9,66±0,25	84,5±5,5	120±5,0
<b>Озуқа муҳити таркибида қуйидагилар бўлган:</b> (%) K <sub>2</sub> HPO <sub>4</sub> - 0,2; MgSO <sub>4</sub> *7H <sub>2</sub> O – 0,05; NaCl – 0,05; MnSO <sub>4</sub> – 0,16 ZnSO <sub>4</sub> *7H <sub>2</sub> O – 0,34; CoCl <sub>2</sub> *6H <sub>2</sub> O – 0,2; FeSO <sub>4</sub> *7H <sub>2</sub> O; pH 6.5				

8-расмда иккала статинларнинг ҳосил бўлишидан далолат берувчи ловастатинва симвастатин ҳосил бўлишининг юқори даражаси *A.terreus-20* экстрактининг ССХЭ профили намоён этилган.



8-расм. ССХЭ профили: а- ловастатин (стандарт); б-симвастатин (стандарт); в,г- *A.terreus-20* штамми экстрактлари



Шундай қилиб, олинган тажриба натижалари асосида чуқур ўстириш шароитларини оптималлаштириш иккала штаммда ловастатин ва симвастатин тўпланишини оптималлаштирилмаган озуқа муҳитларидаги дастлабки маҳсулдорликка нисбатан мос равишда 3 марта ва 90 марта ортишига имкон беради.

Диссертациянинг «Қаттиқ фазали ферментация усулида *A. terreus 4* ва *A. terreus - 20* да статинлар ҳосил бўлиши» деб номланган тўртинчи бобида *A. terreus 4* ва *A. terreus 20* дан статинлар олиш учун қаттиқ фазали ўстириш имконияти ўрганилган. Штаммларни қаттиқ фазали ўстириш 5 г



каттиқ субстрат сақловчи Петри ликобчаларида амалга оширилди. Мувофиқ келадиган субстратни скрининг қилишда тадқиқ этиладиган субстратлар қаторини буғдой ва ерёнғоқ аралашмаси, буғдой, гуруч, сули, маккажўхорининг майдаланган донлари ва донли экинларнинг майдаланган чиқиндиларидан ташкил топган омукта емлар ўз ичига олди.

Статинларни ферментатив субстратлардан экстракция қилиш учун турли хил эритмалар: ацетонитрил, этилацетат ва метанолдан фойдаланилди. 9-11-расмларда келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, ловастатин ажралиб чиқиш даражасига эритувчини тўғри танлаб олиш жиддий таъсир кўрсатади. 9-расмда сулида *A.terreus-20* ферментацион субстрати экстракциясида ацетонитрил қўлланилганда ловастатиннинг максимал ажралиб чиқиши 3,1 мг/г куруқ субстратдан ташкил этган. Сулида *A.terreus-20* дан ловастатинни этилацетат билан экстракция қилиб олишда 2,5 мг/ г қ.с. ни ташкил этган бўлса, метанол билан экстракция қилишда 2,3 мг/ г қ.с. га тенг бўлган.


Фойдаланилган эритувчига боғлиқ равишда *A.terreus-4* штаммида максимал даражада маҳсулот ажралиб чиқиши сулида ацетонитрил билан – 2,15 мг/г қ.с., буғдойда этилацетат билан – 1,2 мг/г қ.с. ва сулида метанол билан – 2,1 мг/г қ.с. экстракция қилиш давомида ҳосил бўлган. Бошқа субстратларда (гуруч, маккажўхори, омукта ем) иккала штаммда ҳам ловастатин даражаси қуйи бўлиши ва эритувчига боғлиқ равишда 0,01 мг/г қ.с. дан 1,9 мг/г қ.с. гача ташкил топган.



9-расм. Ацетонитрил билан экстракция қилишда турли субстратларда *A.terreus 4* ва *A.terreus20* штаммлари томонидан ловастатин тўпланиши динамикаси



**10 - расм. Этилацетат билан экстракция қилинган *A.terreus* 4 ва *A.terreus* 20 штаммлари ўсиш динамикасида ловастатин даражаси**



**11-расм. Метанол билан экстракция қилинган *A.terreus* 4 ва *A.terreus* 20 штаммлари ўсиш динамикасида ловастатин даражаси**

Умуман, ҳар иккала штаммдаги ловастатин миқдорини қиёсий ўрганиш натижасида, сулида ҚФФ (қаттиқ фазали ферментация) да кўпроқ тўпланиши кузатилиб, ажратиб олиш даражасини камайиб боришини эса ацетонитрил-этилацетат-метанолда фойдаланиш мумкин. Бунда қўлланилган барча субстратларда ловастатиннинг максимал миқдорда тўпланиши ферментациянинг 11 суткасида кузатилган бўлса, ЧФ да эса (чуқур ферментация) фарқли 14-20 сутка давомида кузатилади.

*A. terreus-4* ва *A. terreus-20* штаммларида симвастатин ҳосил бўлишини ўрганишга оид тадқиқотлар айнан ўша қаттиқ субстратларда олиб борилган. Симвастатиннинг энг юқори миқдори ферментацион сули, гуручни ва омухтаемни этилацетат ёрдамида экстракция қилишда ва ўстиришнинг 11- ва 14 суткаларида 1,0 мг/г.қ.с., 0,5 мг/г.қ.с. ва 0,2 мг/г.қ.с. ташкил этган (4-жадвал).

4 -жадвал


***A.terreus* нинг танлаб олинган штаммларида ҚФ натижасида симвастатин ҳосил бўлиш маҳсулдорлиги**

Штамм	Субстрат	Суткалар	Симвастатин, мг/г куруқ субстратга
<i>A. terreus-4</i>	гуруч	14	1,0
	буғдой	11	$0,93 \times 10^{-2}$
	сули	9	$0,31 \times 10^{-2}$
	маккажўхори	9	$0,12 \times 10^{-3}$
	омухтаем	11	$0,25 \times 10^{-1}$
<i>A. terreus-20</i>	гуруч	11	0,17
	буғдой	9	$0,81 \times 10^{-1}$
	сули	11	0,5
	маккажўхори	9	$0,1 \times 10^{-2}$
	омухтаем	14	0,2

Қаттиқ фазали ўстириш самарадорлигини аниқловчи қўплаб омиллар мавжуд: экиш усули, инокулятнинг ҳажми, ферментация ҳарорати, қаттиқ субстратни намлантириш ва баландлиги. Маҳсулотнинг максимал тўпланиши

спорали инокуляция концентрацияси  $10^8$  мл<sup>-1</sup> бўлганда, субстрат 65% намлантирилганда, дастлабки рН 6 ва оптимал харорат 28°C ни ташкил этганда қайд этилган.

Қаттиқ фазали ўстириш шароитлари ўзгартирилганда сезилари натижалар олинган. *A. terreus* - 4 ва *A. terreus* - 20 штаммларини колбаларда ҚФФ сида барча субстратларда ловастатиннинг миқдори ортган. Бунда ловастатиннинг максимал миқдори буғдой ва сулида ацетонитрил билан экстракция қилинганда 9,7 мг/г қ.с. ва 9,6 мг/г қ.с. ни ташкил этган бўлиб, бу маҳсулот миқдорининг ликобчаларда ўстирилганга нисбатан уч – беш карра кўпроқ бўлишига мувофиқ келган (12-расм).



12-расм. Петри ликобчаларида ва колбалардаги ҚФФ да *A. terreus* 4 ва *A. terreus* 20 ловастатинининг қиёсий самарадорлиги


Шундай қилиб, тадқиқот натижаларининг кўрсатишича, *A. terreus* - 4 ва *A. terreus* - 20 штаммларини нисбатан арзон донли экинлар субстратларидаги қаттиқ фазали ферментацияси чуқур ферментациясига нисбатан бир неча марта кўп миқдорда ловастатин ва симвастатин ҳосил бўлишига олиб келади.

Олинган натижаларнинг тўлиқ миқдорий таҳлилини ўтказишнинг иложи бўлмаса ҳам 1,0 литр суюқ ферментацион муҳит ва 1,0 кг ферментация қилинган қаттиқ озуқа муҳитидан ажралиб чиққан маҳсулотни абсолют катталикларда ҳисоблаганда ҚФФ да маҳсулот унуми 10 мартадан кам бўлмаган даражани ташкил этади. Бундан ташқари ҚФФ ўстириш даврини қарийиб икки марта қисқартирилишига, озуқа муҳитлари ва аэрация учун кетадиган энергияга сарфланадиган харажатларни камайтириш имконини беради.

